

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁДГОРОВ ШАРОФИДДИН ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

**МУҲАНДИС-ГЕОЛОГИК ШАРОИТ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА БУХОРО ШАҲАР ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК
РИСКИНИ БАҲОЛАШ**

04.00.04 - «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси»

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ёдгоров Шарофиддин Исматуллаевич Муҳандис-геологик шароит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Бухоро шаҳар ҳудудининг сейсмик riskини баҳолаш	3
Ёдгоров Шарофиддин Исматуллаевич Оценка сейсмического риска территории г.Бухары с учетом особенностей инженерно-геологических условий.....	21
Yodgorov Sharofiddin Ismatullayevich Seismic risk assessment of the territory of Bukhara, taking into account the peculiarities of engineering and geological conditions	39
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁДГОРОВ ШАРОФИДДИН ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

**МУҲАНДИС-ГЕОЛОГИК ШАРОИТ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА БУХОРО ШАҲАР ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК
РИСКИНИ БАҲОЛАШ**

04.00.04 - «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси»

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/GM11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Вахитхан Алиханович
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юсупов Шухрат Сакиджанович
геология-минералогия фанлари доктори

Закиров Миrabбас Мирсаатович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгидрогеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2020 йил «6» февралда тарқатилди.
(2020 йил «6» февраль даги 35 рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон микёсида бугунги кунда кучли zilzilалар натижасида шаҳар ҳудудларида юзага келадиган талафотларини прогноз қилиш ва zilзила оқибатларини камайтириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Сейсмик хавфи юқори бўлган давлатларнинг барқарор ривожланиши zilзила таъсирида ҳудудларда содир бўладиган иқтисодий талафотларнинг кўлами билан боғлиқдир. Бу борада сейсмик riskни мажмуавий изланишлар орқали баҳолаш ва белгиланган муддатларда прогноз қилиш, zilзила оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Дунёнинг ривожланган давлатларида сейсмик riskни баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: сейсмотектоник ва сейсмологик моделларни яратиш; сейсмик таъсирларда грунтларни тебраниш қонуниятларини аниқлаш; турли конструкциядаги бино ва иншоотларни заифлик функцияларини тузиш; шикастланиш даражаларини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш каби йўналишлардир. Айниқса грунтларда сейсмик тебранишларнинг моделларини яратиш, сейсмик таъсирда «грунт-асос ва иншоотни» биргаликдаги ҳаракатини миқдорий баҳолашга шунингдек, zilзила оқибатларини оператив баҳолаш имконини берувчи ГИС технологиялар негизида махсус дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда муайян ҳудудларда сейсмик riskни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг сейсмик фаол майдонларида урбанлашган ҳудудлар учун сейсмик riskни баҳолаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Тошкент ва Жиззах шаҳарлари ҳудудларининг сейсмик riskни баҳоланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада муҳандис-геологик шароит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Бухоро шаҳри ҳудудининг сейсмик riskини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 1 июндаги «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5066-сон Фармони, 2017 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3190-сон Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда «сейсмик риск» ибораси турлича талқин қилинган. 2001 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNDRO (United Nations Disaster Relief Organization) ташкилоти томонидан киритилган таърифга кўра сейсмик риск - ҳудуднинг эҳтимоли юқори бўлган сейсмик хавфни ва қурилиш ва табиий объектларнинг сейсмик заифлигини ҳисобга олган ижтимоий-иқтисодий эҳтимолий зарар. Бу берилган таъриф жаҳоннинг кўпчилики давлатлари томонидан тан олинган ва қўллаб қувватланган.

Сейсмик рискни баҳолаш илмий тадқиқотлари ўтган асрнинг 70-90 йилларида фаол ривожланган. Бунинг асосий сабаби 1971 йилги магнитудаси $M=6,5$ бўлган кучли Сан-Фернандо (АҚШ) zilzilasi билан боғлиқ. Ушбу zilziladan сўнг етказилган иқтисодий зарарни қоплай олмай кўпгина суғурта компаниялари инқирозга учраган. Шу даврда АҚШ да мақсадли илмий марказлар ташкил қилинган ва сейсмик рискни илк бор прогноз қилиш усуллари ишлаб чиқила бошланган. Бунда R.V.Whitman, D.C.Friedman, I.M.Idriss, C.S.Oliveira, H.C.Shah ва бошқаларнинг хизмати катта.

Сейсмик рискни баҳолашнинг илмий-методологик ва амалий томонларини M.Lu, N.Mert, K.Hasegawa, H.Nayashi, M.I.Carreno, G.Grunthal, J.Zschau, В.И.Осипов, В.А.Ларионов, Г.Л.Кофф, В.Г.Алказ, М.А. Шахраманиян, В.Б.Заалишвили, Е.Н.Черных, Ю.К.Чернов, С.А.Тягунов, С.Н.Назаретян, Т.Р.Рашидов, Ш.А.Хакимов, К.Н.Абдуллабеков, К.С.Абдурашидов, Л.М.Плотникова, С.А.Тягунов, Р.С.Ибрагимов, В.А.Исмаилов, Б.С.Нуртаев, А.Джураев ва бошқалар тадқиқ қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институтида сейсмик риск йўналишида илмий-тадқиқот ишларни А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов, Х.Мирзобаев, К.Ш.Нурмухамедов, М.А.Туйчиева, Н.М.Джураев Н.Г.Мавлянова, Р.Ш.Иногамов, А.Б.Павлов ва бошқалар олиб боришган. Инновацион лойиҳа доирасида С.С.Хусомиддинов, В.А.Исмаилов ва бошқалар томонидан 2017 йили урбанлашган ҳудудлар учун сейсмик рискни баҳолаш ва районлаштириш технологияси яратилган. Бунда, сейсмик хавфни баҳолаш фақат детерминистик ёндашув асосида, яъни сценарий zilzilasiга боғлиқ ҳолда амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилган.

Ўтган даврда жуда кўп муҳим илмий ва амалий натижалар олинганлигига қарамай, бу соҳада ҳал қилинмаган қатор муаммолар мавжуд. Сейсмик рискни шаҳар ҳудудлари учун баҳолаш ва уларнинг хариталаш бўйича тадқиқотлар тўлиқ таҳлил қилинмаган ва илмий методик асослари яратилмаган. Шулардан бири бўлиб, сейсмик рискни баҳолашда сейсмик

хавфни детерминистик ва эҳтимолий ёндашувлар асосида аниқлаш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А14-Т047 «Марказий ва Жанубий Ўзбекистон йирик ер ёриқларининг динамик таъсир кўрсатиш зоналарини баҳолаш ва сейсмоген зоналарнинг макон ва қувват кўрсаткичларига аниқликлар киритиш» (2015-2017 йиллар), ПЗ-20170928253 «Кучли зилзилалар содир бўлганда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Давлат тизимининг самарали чора-тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади урбанлашган ҳудудларда муҳандис-геологик шароит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик рискни миқдорий баҳолаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро шаҳри мисолида ҳудудининг геологик, сеймотектоник ва сейсмологик ҳолатини ўрганиш;

Бухоро шаҳри ҳудуди учун сейсмик хавфни детерминистик ва эҳтимоллик ёндашув асосида миқдорий баҳолаш;

Бухоро шаҳри ҳудудининг муҳандис-геологик шароити хусусиятларини ўрганиш ва ҳудудда сейсмик жадалликга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, ҳамда грунт шароитини сейсмик хусусиятларга кўра баҳолаш ва харитасини тузиш;

Бухоро шаҳри ҳудудидаги бино-иншоотларнинг конструктив турларига қараб гуруҳлаш ва уларни шикастланиш даражасини аниқлаш, ҳамда функцияларини аниқлаш;

сейсмик хавфни, грунт шароити хусусиятларини, сейсмик таъсирни ва биноларни заифлик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар ҳудудида сейсмик рискни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сейсмик фаол ҳудудда жойлашган ҳисобланган Бухоро шаҳри танланган.

Тадқиқотнинг предмети шаҳар ҳудудида сейсмик хавфни, сейсмик таъсирни ва сейсмик рискни баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида муҳандислик-геологик ва геофизик тадқиқотлар, шу жумладан грунтларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятларини дала ва лаборатория шароитидаги тадқиқотлар натижаларига асосланган. Сейсмология институтида ишлаб чиқилган «SEISMHAZARD_UZ» мажмуавий дастур асосида ҳудуднинг турли даврларда содир бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебраниши баҳоланди. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги ҳар хил турдаги биноларнинг шикастланиш даражасини баҳолашда, барча маълумотлар «GESI_Program» дастуридан фойдаланилган ҳолда, ГИС технологияси асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

урбанлашган ҳудудларда сейсмик рискни юзага келтирувчи омилларни миқдорий баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Бухоро шаҳри ҳудудида тарқалган грунтларнинг муҳандис-геологик ва сейсмик хусусиятларини тоифалаш орқали сейсмик жадаллик орттирмаси 0 ва 1 баллиги аниқланган;

муҳандис-геологик шароит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сейсмик хавфни детерминистик ва эҳтимоллик ёндашув асосида максимал тезланиш қийматлари баҳоланган;

илк бор Бухоро шаҳри ҳудудида турли конструктив турда қурилган биноларнинг сейсмик заифлик функцияларини қўллаш асосида максимал сейсмик таъсирларда шикастланиш даражаси баҳоланган;

илк бор Бухоро шаҳри ҳудуди учун турли даврларда содир бўлиш эҳтимоллиги бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебранишларда юзага келиши мумкин бўлган талафотлар иқтисодий кўрсаткичларда баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Бухоро шаҳри ҳудуди муҳандис-геологик хусусиятларининг ўзгариши натижаларига асосланган ҳолда грунтлар муҳандис-геологик ва сейсмик жиҳатдан тоифаларга ажратилган, шунингдек сейсмик жадаллик орттирмасининг схематик харитаси ишлаб чиқилган;

Бухоро шаҳри ҳудуди учун грунтлар тоифасини ҳисобга олган ҳолда сейсмик хавф турли даврларда бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебраниш даражаси макросейсмик балларда ва максимал тезланишларда (PGA) баҳоланган хариталари ишлаб чиқилган;

Бухоро шаҳри ҳудудидаги биноларнинг заифлик функциялари аниқланган ва ҳар бир бионинг конструктив тури бўйича сейсмик шикастланиш графиклари тузилган;

Бухоро шаҳри ҳудудининг сейсмик rischi турли даврларда содир бўлиши эҳтимоли бўлган зилзиланинг максимал сейсмик тебранишлари натижасида юзага келадиган талафотлари иқтисодий қийматларда баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Бухоро шаҳри ҳудудида олиб борилган муҳандис-геологик, геофизик ва сейсмологик тадқиқотлар, шу жумладан 150 та бурғу қудуқлари ва 380 та тоғ лаҳмлари, 650 та лаборатория шароитида тадқиқ қилинган, грунтларнинг физик-механик хусусиятлари, 150 та нуқтада ўтказилган сейсморазведка тадқиқот натижалари, «SEISMHAZARD_UZ» дастур асосида ҳудуднинг турли даврларда содир бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебранишлари, Бухоро шаҳри ҳудудидаги 963 та кўп қаватли ва 36734 та яқка тартибдаги бинолар паспорт маълумотлари ва «GESI_Program» дастури билан 5 турли контруктив биноларнинг 50 тадан ортиғи учун биноларнинг шикастланиши бўйича олинган материаллар асосида таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шаҳар ҳудудида сейсмик хавфни муҳандис-геологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли

даврларда бўлиш эҳтимоли бўлган сейсмик таъсирлар аниқланганлигини инобатга олган ҳолда, сейсмик рискни 50, 100, 500, 1000 ва 1000 000 йиллар учун баҳолашнинг методикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сейсмик рискни баҳолаш методикаси ва Бухоро шаҳри учун эҳтимоли юқори бўлган 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йилларда бўлиши мумкин бўлган сейсмик тебранишлар натижасида содир бўладиган талафотлар схематик харитаси ҳудудида етказиладиган зарарларни камайтириш чора-тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, аҳоли ва ҳудудни хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро шаҳри ҳудудида сейсмик рискни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

муҳандис-геологик шароит хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда сейсмик хавф эҳтимоли турли даврларда содир бўлиши мумкин бўлган зилзилаларнинг сейсмик таъсирини макросейсмик баллар ва максимал тезланишларда баҳолаш харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 2/4/24-3260-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро шаҳри ҳудуди хавфсизлигини таъминлашда устувор йўналишларни белгилаш имконини берган;

шаҳар ҳудудидаги турли конструкцияли биноларнинг сейсмик заифлик функцияси ва турли даражадаги сейсмик таъсирларда шикастланиш жадвали Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 2/4/24-3260-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро шаҳри ҳудудидаги бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлик паспортини тузишга оид такомиллаштирилган маълумотлар базасини яратиш имконини берган;

урбанлашган ҳудудларнинг сейсмик riskини баҳолаш услубияти ва Бухоро шаҳрини сейсмик riskини турли даврларда содир бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик таъсирдаги баҳоланган схематик харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 декабрдаги 2/4/24-3260-сон маълумотномаси). Натижада содир бўлиши мумкин бўлган кучли зилзилаларда қутқарув ишларини самарали режалаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 4 таси илмий мақола ва 2 та монография бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини илмий нашрларда чоп этиш тавсия этилган, шу жумладан 3 таси республикада ва 1 таси хорижий илмий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Бухоро шаҳри ҳудудининг сейсмик хавфни баҳолашга таъсир қилувчи омиллар»** деб номланган биринчи бобида Бухоро шаҳрининг геологик ва тектоник тузилиши, ҳудудининг сейсмотектоник ҳолати, сейсмик режимнинг узоқ муддатли хусусиятлари, сейсмик потенциали, сейсмик хавфнинг эҳтимолий ва детерминистик ёндашув асосида батафсил баҳолаш усуллари келтирилган. Бу бобда асосан Бухоро регионининг умумий сейсмик районлаштирилиш харитасидаги ўрни, сейсмоген зоналари, сейсмик ҳолатини баҳолаш тўғрисида маълумотлар берилган.

Тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда бурғу кудуклар маълумотларига кўра палеозой ётқизиклари 1500-1700 м чуқурликда 400 м қалинликда аниқланган. Бу ётқизиклар асосан интрузивларда гранодиорид-аплит, биотит, лейкократли гранитлар, эффузив тоғ жинслари порфирлар, базальтлар, андезитлар, туфлардан, ҳамда чўкинди-метаморфик тоғ жинсларидан охактошлар, доломитлар, конгломератлар ва сланецлардан таркиб топган. Мезозой комплекси ётқизикларидан Юра даври ётқизиклари кўмир-паралич қатламида (ярус) гравелит, кумтош, алевролит-гиллар ва мергеллар 170 м; карбонат қатламида охактошлар, мергеллар ва ангидритлар 190 м ва туз-гипс-ангидрит қатлами 30 м қалинликда ётади. Бўр даври ётқизиклари кумтошлар, алевролитлар, гиллар, мергеллар, кумлар ва гипслардан иборат бўлиб, 25 м дан 200 м гача қалинликни ташкил этади. Кайнозой комплекси ётқизиклари палеоген даври тоғ жинсларидан плиоцен (бухоро) қатламида охактошлар ва гипслар 50 м гача қалинликда, эоцен-олигоцен қатламида гиллар, алевролитлар, мергеллар, кум ва кумтошлар 20 м дан 190 м гача қалинликда ётади. Неоген давр ётқизиклари асосан 370 - 413 м қалинликда бўлган кумтошлар, гиллар ва алевролитлардан иборат.

Ҳудуд сейсмотектоник жиҳатдан Бухоро-Хива ва Жанубий Тянь-Шан регионал ёриқлари таъсирига боғлиқ бўлиб, Ғарбий Ўзбекистоннинг геологик ривожланиш босқичларида, хусусан, замонавий структурасининг шаклланишида ёриқли бузилишлар, айниқса чуқур ер ёриқларининг зоналари муҳим рол ўйнайди. Ер ёриқлари ер қобиғини кесиб ўтиб, кўп ҳолларда

мантиягача ҳам кириб боради ва йирик структуравий элементларнинг табиий чегарасига айланади.

Жанубий Тянь-Шан ва Бухоро-Хива регионал ёриқлари ҳозирги замон сейсмик ҳолатни тасниф этади. Бу ёриқларда қадимдан зилзила ўчоқлари жойлашган бўлиб, даврий равишда зилзилалар содир бўлади. Жанубий Тянь-Шан сейсмоген зонасида охириги 50 йил ичида жуда кучли зилзилалар содир бўлган. Улар 1976 йил 8 апрелда магнитудаси $M=7,0$ бўлган, 1976 йил 17 майдаги $M=7,3$ бўлган ва 1984 йили 20 мартдаги $M=7,2$ бўлган Газли зилзилалари ва уларнинг афтершокларидир. Бухоро-Хива сейсмоген зонаси 818 йилдаги магнитудаси $M=6,5$ бўлган, 1208 йилдаги $M=7,5$, 1821 йилда магнитудаси $M=6,4$ содир бўлган зилзилалар буни тасдиқлайди.

Амалдаги Умумий сейсмик районлаштириш харитаси (УСР-2017) бўйича Бухоро шаҳрининг дастлабки сейсмик жадаллиги 7 балл деб аниқланган. Шаҳар ҳудудининг 2014 йилдаги сейсмик микрорайонлаштириш харитасида, грунтларнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда 8 балл деб баҳоланган.

Сейсмология институтида ишлаб чиқилган «SEISMHAZARD_UZ» мажмуавий дастур (Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов ва бошқалар, 2015) асосида ҳудуднинг турли даврларда содир бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебраниши баҳоланди. Бунда 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йиллар орлиғида эҳтимоли бўлган сейсмик таъсирининг максимал қийматлари ҳисобланди. Унга кўра 50 йил оралиғида ҳудудда эҳтимоли $P=0,9$, $P=0,95$, $P=0,98$, $P=0,99$ ва $P=0,995$ аниқликда максимал сейсмик хавф содир бўлмаслиги аниқланди.

Олинган маълумотларга кўра Бухоро шаҳрига асосан Жанубий Тянь-Шан ва Бухоро-Хива сейсмоген зоналардан максимал магнитудаси $M=7,5$ ва $M=6,5$ бўлган зилзилалар таъсир этади ва максимал сейсмик тебранишлар шу зилзилалар содир бўлиш даврига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Диссертациянинг **«Бухоро шаҳрининг муҳандис-геологик хусусиятлари ва уларни сейсик жадалликни ўзгаришига таъсири»** деб номланган иккинчи бобида Бухоро шаҳрида тарқалган тўртламчи давр ётқизикларининг тузилиши, тарқалиши, таркибий хосса ва хусусиятларини ўзига хослиги ҳақида маълумотлар келтирилган ва сейсмик жадалликнинг орттирмасининг ўзгаришига таъсир этувчи муҳандис-геологик омиллар тавсифланган.

Бухоро воҳаси Зарафшон дарёсининг қуйи дельта қисмида жойлашган бўлиб, у шимоли-шарқ ва шарқдан Зирабулоқ-Зиёвуддин паст тоғ тизмалари билан, ғарб ва шимоли-ғарбдан Қизилқум чўллариининг қумли массивлари билан чегараланган. Зарафшон дарёси водийсининг дельта юзаси суст тўлқинли аллювиал ва аллювиал-пролювиал генезисли текисликдан иборат бўлиб, жануби-ғарб томонга, яъни дарё ўзани томонига қараб қияланган.

Шаҳар ҳудуди асосан тўртламчи давр ётқизикларидан ва техноген тўкма грунтлардан иборат бўлиб, улар деярли неогеннинг тоғ жинсларини қоплаб олган ва аллювиал ва аллювиал-пролювиал генезисдаги тоғ жинсларидан иборат. Маҳаллий стратиграфик схемада қадимий тўртламчи давр ётқизиги

Азкамар комплекси (Q_{Iazk}), ўрта тўртламчи давр ётқизиғи Карнаб комплекси ($Q_{IIKrn+Shk}$), юқори тўртламчи давр бўлими – Сукайти комплекси (Q_{IIIckt}) ва замонавий бўлими Зарафшон комплекси (Q_{IVZrh}) деб юритилади. Тадқиқот майдонида, яъни Бухоро шаҳрида аллювиал ётқизиклар тўртламчи даврнинг ўрта ва юқори бўлимида (aQ_{II-III}), аллювиал ётқизиклар, юқори бўлимнинг охири ва замонавий бўлимнинг бошларида (aQ_{III-IV}) аллювиал ва пролювиал ётқизиклар ва замонавий бўлим ётқизикларда аллювиал генезис (aQ_{IV}) ажратилган. Литологик жиҳатдан тўртламчи давр ётқизиклари гравий, қум, супес, суглинок ва лессимон суглиноқлардан, ҳамда тўкма грунтлардан иборат бўлиб, баъзи чуқурликларда улар линза ва юпка қатлам шаклида тарқалган.

Худуднинг ер ости сув оқимлари ўзига хос бўлиб, улар жануби-ғарб томон ҳаракатланади. Бунда 15-25 м чуқурликда жойлашган неоген қумтошлари ва гиллар сув ўтказмас қатлам вазифасини бажарганлиги, шаҳар атрофида суғориладиган майдонлардан ер остига сизилиши кенглиги ва шаҳарнинг техноген сувларини ер остига фильтрацияси юқорилиги сабабли Бухоро шаҳрида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиш жараёни давом этмоқда. Ҳозирги кунда ер ости сувининг сатҳи ер юзасидан 1-4 м чуқурликни ташкил қилади.

Бухоро шаҳрининг муҳандис-геологик шароитининг ўзга хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Худудда тўкма грунтларнинг кенг ва турли қалинликда (20 метргача) тарқалганлиги. Бу грунтлар супес ва суглинкалар, ҳамда хўжалик ва қурилиш материал чиқитлари билан бирга учрайди. Уларнинг зичлиги $\rho=1,70-1,78$ г/см³; ғоваклилиги $n=36-43,3\%$; табиий намлиги $We=14,4-18,2\%$. Бухоро шаҳри худудидаги тўкма грунтлар Республиканинг бошқа шаҳарларида тарқалган тўкма грунтларга нисбатан ўзига хос бўлиб, 20 метргача қалинликни ташкил этади. Сейсмик тўлқинлар тезликларни чуқурлик сари ўзгариши тўкма грунтларнинг зичлашганлиги тўғрисида маълумот беради. Масалан, Бухоро шаҳридаги Арк майдонида зичлашган тўкма грунтлар 10-12 м қалинликни ташкил қилиб, унинг асосий таркибини (70% ини) қайта ётқизилган суглинок ва супеслар ва 30% ини турли хил йирик бўлаклилар (ғишт бўлақлари, кулолчилик ишлаб чиқариш чиқинди маҳсулотлари, ва бошқалар.) ташкил қилади. Қатлам тўлқин тезликлари бўйича уч қисмдан иборат: юқори (1,5-2,0 метргача чуқурликгача) бўйлама тўлқин тезлик (V_p) қийматлари 290 - 330 м/с ва кўндаланг тўлқин тезлик (V_s) қиймати 110 дан 140 м/с гача; ўрта (1,5 - 5,0 м чуқурлик интервалида) V_p билан V_s қийматлари мос равишда 450-610, ўртача 500 м/с, шу билан бирга 170-240да ўртача 210 м/с қийматлар, V_p/V_s бу қийматлар мос равишда ўртача 3,39 га тенг; пастки қатлам 5 м дан 9-12 м, баъзи нуқталарда 20 м гача чуқурликда бўлиб, юқориги қатламларга қараганда қадимий ва мустаҳкам. Бу қатламда тўкма грунтлар зичланган грунтлар хусусиятларига эга бўлиб, $V_p = 900-1200$ м/с, ўртача 1000 м/с, $V_s=270-460$ м/с, ўртача – 350 м/с ни ташкил этади. Тўкма грунтларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятлари уларнинг таркибига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Грунт таркибида иккиламчи тўлдирувчи

жисмларнинг хажмини ошиши ва бирламчи асосий таркиб этувчи қайта ётқизилган грунтларнинг хажмини камайиши сейсмик тезликни камайишига олиб келади.

2. Неоген ётқизиқларини Ер юзасига яқинлиги, худуднинг ўзига хос муҳандис-геологик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Чунки ушбу ётқизиқлар сув ўтказмас қатлам бўлиб шаҳар худудида ер ости сувларини кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

3. Ер ости сув сатҳининг яқинлигидан (1-4 м), табиий релефни техноген таъсирда қайта шаклга келтирилганлигидан ва грунтларнинг сейсмик хусусиятларининг грунт шароитига (сув босиш, техноген босим, кимёвий жараёнлар) нисбатан ўзгарганлигидан иборат. Буларнинг барчаси шаҳар худуди учун тузилган муҳандис-геологик шароитни ўзгариш схематик харитасида ўз мазмунини топган.

Тадқиқотлар, яъни 150 га яқин бурғу қудуқларининг маълумотларини таҳлил этиш натижасида ҳар бир бурғу қудуғи жойлашган нукта учун 10 метрлик чуқурликдаги литологик қирқим тузилди. ҚМҚ 2.01.03-96 “Сейсмик районларда қурилиш”га асосан грунтларнинг динамик хусусиятларини аниқлашда кўндаланг тўлқин V_s тарқалиш тезлиги муҳим ҳисобланади.

Шуни инобатга олиб сейсмик жадалликни аниқлаш учун ер юзасидан 10 метрли грунт қатламлари учун кўндаланг тўлқинларнинг ўртача қийматлари олинди. Ушбу ўртача қийматлар шаҳар худуди бўйича аниқланди ва грунтлар сейсмик хусусияти бўйича тоифаланди. Аниқланган қийматлар асосида ArcGIS дастурининг махсус таҳлил модули ёрдамида Бухоро шаҳри худудидаги грунтларнинг II ва III тоифали чегаралари аниқланди (1-расм).

Келтирилган харитадан фойдаланиб, ArcGIS технологияси ёрдамида Бухоро шаҳри худудидаги II ва III тоифали грунтлар тарқалган худуднинг эҳтимолий $T=50$, $T=100$, $T=500$, $T=1000$ ва $T=1000000$ йиллардаги бўлиши мумкин бўлган зилзилалар натижасидаги максимал тезланиш қийматлари аниқланди ва олинган қийматлар учун схематик харитаси тузилди (2-расм).


Ушбу бобнинг якунида шаҳар худудининг муҳандис-геологик, гидрогеологик, геоморфологик ва муҳандис-сейсмологик шароитлари таҳлил қилинди ва грунт шароитининг ўзгариши натижасида сейсмик рискка таъсири баҳоланди.

Диссертациянинг «**Бухоро шаҳридаги биноларнинг сейсмик заифлиги**» деб номланган учинчи бобида биноларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган, яъни шаҳар худудидаги барча якка тартибдаги ва кўп қаватли бинолар сони, уларнинг конструктив тури, қўлланилган қурилиш материаллари ва шаҳар худудида жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бобда шунингдек ҳар бир конструктив типдаги бинолар учун уларнинг турли хил сейсмик таъсирлардаги заифлик функцияси қурилган ва шикастланиш миқдорлари биноларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун келтирилган.


Бухоро шаҳри худудида 64 та маҳалла бўлиб, кўп қаватли бинолар 963 тани ва якка тартибдаги уй-жойлар 36734 тани ташкил этади. Қурилиш материаллари ва конструктив жиҳатлари бўйича барча бинолар 5 турга: хом

ғиштли, пиғиқ ғиштли, ёғочли (шитли), бетонли (йирик панелли) ва темир-бетонли (мажмуавий конструкцияли) биноларга ажратилган. Шаҳар ҳудудида қурилган бинолар қуйидагича тақсимланади: 55% - хом ғиштли; 24% - пишиқ ғиштли; 16% - бетонли; 5% - ёғочлилар ва темир-бетонлилар 15 тани ташкил этади.

Биноларнинг шикастланиши – бу биноларнинг ташқи ва ички таъсирлардан мустаҳкамлик қобиляти йўқотиши тушунилади. Шаҳар ҳудудидаги биноларнинг шикастланишини баҳолаш учун, биноларнинг сейсмик шикастланишини баҳолаш услуби асосида ишлаб чиқилган «GESI_Program» дастуридан фойдаланилди. Ушбу дастур 1999-2001 йилларда Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг “Сейсмик хавфсизлик бўйича глобал ташаббус”и (Global Earthquake Safety Initiative (GESI) Pilot Project) GESI доирасида ишлаб чиқилган. Дастурни ишлаб чиқишда 1990-1999 йилларда UN-IDNDR қотибияти томонидан ўтказилган RADIUS (Risk Assessment Tools for Diagnosis of Urban Areas against Seismic Disasters) дастури доирасида Аддис-Абеба (Эфиопия), Антофагаста (Чили), Бандунг (Индонезия), Гуаякиль (Эквадор), Зигонг (Хитой), Измир (Турция), Скопье (Македония), Тошкент (Ўзбекистон), Тихуана (Мексика) каби 38 та шаҳарларнинг макросейсмик маълумотлари тўпланган ва асос қилиб олинган.




1-расм. Бухоро шаҳри ҳудудидаги грунтларининг сейсмиклик хусусияти бўйича тоифаларнинг тарқалишининг схематик харитаси. 1. Сейсмик хусусияти бўйича II тоифали грунт; 2. сейсмик хусусияти бўйича III тоифали грунт; 3. ўртача кўндаланг тўлқин тезлиги V_{s10} , м/с; 4. шаҳар чегараси.



2-расм. Бухоро шаҳри ҳудудидаги II ва III тоифали грунтлар майдонларининг эҳтимолий 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йиллардаги бўлиши мумкин бўлган zilzilаларни максимал тезланиш харитаси.

«GESI_Program» дастури биноларнинг конструктив турлари бўйича ўзига хослиги, бино лойиҳаларини қурилиш меъёрларига мослиги, қурилиш сифати ва бино қурилишида қўлланилган материалларини ҳамда сейсмик таъсир даражасининг максимал тезланиши ҳисобга олган ҳолда бешта кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу кўрсаткичлар асосида биноларнинг шикастланиш миқдорлари ва сейсмик таъсирга заифлик функциясининг диаграммаси қурилади. Биноларга етказилган зарар тўрт даража бўйича баҳоланади: енгил, ўртача, оғир ва жуда оғир (3-расм).

Бухоро шаҳри ҳудудидаги барча якка тартибдаги ва кўп қаватли биноларнинг турлари, уларнинг жойлашуви, биноларнинг фойдали майдонлари, кадастр баланс қийматлари ҳақидаги маълумотлар батафсил ўрганилди. Натижада биноларнинг турлари бўйича сейсмик таъсирларга заифлик функцияси қурилди ва сейсмик хавфнинг эҳтимолий 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йиллардаги бўлиши мумкин бўлган zilзилалар таъсиридаги шикастланиш қийматлари аниқланди.



3-расм. Турли конструкцияли биноларнинг шикастланиш функцияси. 1.пишиқ ғиштли; 2.хом ғиштли; 3.бетонли; 4.ёғочли; 5.металли типлар.

Диссертациянинг «**Бухоро шаҳрини сейсмик riskини ҳисоблаш**» деб номланган тўртинчи бобида сейсмик risk тушунчаси ва ўрганилганлиги, Бухоро шаҳри ҳудудидаги бино-иншоотларнинг грунт шароити бўйича жойлашуви, ҳамда Бухоро шаҳри ҳудудининг сейсмик riskини ҳисоблаш усуллари келтирилган.

Кўпгина тадқиқотчилар «сейсмик риск» тушунчасини иккита таркибий қисм: сейсмик хавф ва сейсмик заифликлардан таркиб топганини келтиришган.

Бухоро шаҳрининг сейсмик хавфни баҳолашда детерминистик ва эҳтимолий ёндашув асосида 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йил сейсик таъсирлар кўрсаткичларини грунтларнинг сейсмик хусусиятлари бўйича тоифаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Бунинг натижасида сейсмик риск биринчи таркибий асоси сифатида сейсмик таъсирлар баҳоланди. Сейсмик рискнинг бошқа таркибий асоси сифатида биноларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш ҳисобланади.

ГИС технологияси ёрдамида ҳудуднинг II ва III тоифали грунтларида жойлашган бинолар ажратиб олинди. Шаҳар ҳудудидаги кўп қаватли биноларнинг 777 таси II тоифали грунтларда, 186 таси III тоифали грунтлар майдонларида жойлашган. Якка тартибдаги биноларнинг 14084 таси II тоифали грунтларда, 11034 таси III тоифали грунт майдонларида жойлашган.

Бухоро шаҳри ҳудудидаги биноларнинг шикастланиш функциясидан (3-расм) фойдаланиб, биноларнинг умумий фойдали майдони ва кадастр баланс қиймати бўйича талафотлар миқдори ҳисобланди. Баҳолаш ишларида II ва III тоифали грунтлар тарқалган ҳудудларда қурилган биноларнинг конструктив турига қараб сейсмик rischi ҳисоблаб чиқилди.

Бухоро шаҳри ҳудудидаги бетон (панел)ли турдаги биноларнинг умумий фойдали майдони 50 йилдаги сейсмик таъсирда шикастланмайди, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 1%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 2%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 4% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 15% шикастланади. Умумий кадастр баланс қиймати бўйича 50 йилдаги сейсмик таъсирда зарарланмайди, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 1%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 2%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 4% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 14% миқдорда зарар кўради.


Бухоро шаҳри ҳудудидаги ёғочли турдаги биноларнинг умумий фойдали майдони 50 йилдаги сейсмик таъсирда 6%, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 12%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 20%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 23% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 42% шикастланади. Умумий кадастр қиймати бўйича 50 йилдаги сейсмик таъсирда 6%, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 12%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 20%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 23% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 42% миқдорда зарар кўради.

Бухоро шаҳри ҳудудидаги пишиқ ғиштли турдаги биноларнинг умумий фойдали майдони 50 йилдаги сейсмик таъсирда 2%, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 4%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 13%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 17% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 44% шикастланади. Умумий кадастр баланс қийматининг 50 йилдаги сейсмик таъсирда 2%, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 4%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 13%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 17% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 43% миқдорда зарар кўради.

Бухоро шаҳри ҳудудидаги темир-бетонли турдаги биноларнинг умумий фойдали майдони 50 йилдаги сейсмик таъсирда шикастланмайди, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 1%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 4%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 5% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 18% шикастланади. Умумий кадастр баланс қиймати бўйича 50 йилдаги сейсмик таъсирда зарарланмайди, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 1%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 4%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 5% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 19% миқдорда зарар кўради.

Бухоро шаҳри ҳудудидаги хом ғиштли турдаги биноларнинг умумий фойдали майдони 50 йилдаги сейсмик таъсирда 8%, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 13%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 27%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 35% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 76% шикастланади. Умумий кадастр қиймати бўйича 50 йилдаги сейсмик таъсирда 8%, 100 йилдаги сейсмик таъсирда 13%, 500 йилдаги сейсмик таъсирда 27%, 1000 йилдаги сейсмик таъсирда 35% ва 1000000 йилдаги сейсмик таъсирда 76% миқдорда зарар кўради.

Бухоро шаҳри ҳудудининг сейсмик rischi биноларнинг кадастр қиймати бўйича 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йилларда бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий сейсмик таъсирнинг иқтисодий талафотлари қуйидаги расмда келтирилган (расм 4)



4-расм. Бухоро шаҳри ҳудудидаги биноларнинг кадастрга оид баланс қиймати 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йилларда бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий сейсмик таъсирининг II ва III тоифали грунтлар бўйича сейсмик rischi

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларда қуйидаги асосий натижалар олинди:

1. Бухоро шаҳри ҳудудида ўтказилган геологик, тектоник, сейсмологик тадқиқотлар натижалари батафсил таҳлил қилинди ва шаҳар ҳудудининг сейсмик хавфини 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йилларда эҳтимолий бўлган zilzilalarнинг тебраниш тезланишларида ифодалаш тавсия қилинган.

2. Кўп йиллик муҳандис-геологик ва гидрогеологик тадқиқотлар натижаларини таҳлиliga асосан шаҳарнинг муҳандис-геологик шароитининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборатлиги аниқланди:

а) Бухоро шаҳрида майдон бўйлаб тўкма грунтларни кенг тарқалганлиги ва уларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятлари, грунтларнинг қалинлигига, ёшига, таркибининг устунлик қиладиган қисмига ва намланганлигига боғлиқлиги;

б) ер ости сув сатхининг чуқурлиги (1-4 м) шаҳар ҳудудида сув ўтказмайдиган қатламнинг юқори жойлашганлиги, литологик таркиби ва техноген сув оқовалар ҳажмининг грунтларнинг фильтрация кўрсаткичларидан юқорилиги ва жойларда қадимий ариқларни ёпилганлиги билан боғлиқлиги;

в) Бухоро шаҳри тарихий шаҳар бўлгани муносабати билан, ушбу ҳудудда кенг кўламда табиий рельеф ўзгартирилган. Шаҳарнинг баъзи бир майдонларида ер юзаси текисланган, табиий ариқлар ва жарликлар тўлдириши натижасижа ва баъзи майдонларда ер юзаси сунъий равишда кўтарилган. Буларнинг бари муҳандис-геологик шароитни ўзгаришини белгилайди.

3. Бухоро шаҳри ҳудудининг муҳандис-геологик, гидрогеологик, геоморфологик ва муҳандис-сейсмологик шароитлари маълумотлари таҳлил қилиниб, уларнинг ўзгаришини сейсмик рискка таъсири баҳоланди ва ҳудуддаги грунтларнинг муҳандис-сейсмологик таҳлили ёрдамида тадқиқот ҳудуди II ва III тоифали грунтларга ажратилди ва барча турдаги биноларни лойиҳалашда ва қуришда фойдаланиш мақсадида тузилган харита амалиётга тавсия этилди.

4. Бухоро шаҳри ҳудудидаги барча якка тартибдаги ва кўп қаватли биноларнинг турлари, уларнинг жойлашуви, бионинг фойдали майдони, кадастр қийматлари ҳақидаги статистик маълумотлар батафсил таҳлил қилиниб, бинолар турларининг шикастланишини ҳудуднинг сейсмик хавфининг 50, 100, 500, 1000 ва 1000000 йилларда бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий сейсмик таъсирга заифлик функциялари қурилган ва шикастланиш қийматларида баҳоланган. Натижалар Бухоро шаҳрида бино ва иншоотларни сейсмик заифлик бўйича паспортини яратишга асос ҳисобланади.

5. Бухоро шаҳри ҳудудидаги биноларнинг турлари бўйича шикастланиши ва сейсмик хавфнинг 90%, 95%, 98%, 99% ва 99,5% эҳтимолий аниқликдаги максимал тезланишларнинг амплитудаси ҳисобга

олинган ҳолда сейсмик рискни 50, 100, 500, 1000 йиллар ва вақтни эътиборга олмаган ҳолда бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий сейсмик таъсирларнинг талафотлари таҳлили натижасида бинолар фойдали майдонининг шикастланиши аниқланган ва у Бухоро шаҳрининг кучли zilзилларга тайёргарлик даражасини баҳолашда асос сифатида фойдаланиш тавсия этилди.

6. Бухоро шаҳри ҳудудидаги барча биноларнинг умумий фойдали майдонлари 50 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 6% шикастланса, 100 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 10%, 500 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 21%, 1000 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 26% ва 1000000 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 59% ли талафотни ташкил этади. Умумий кадастр қиймати бўйича, 50 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 5% ли талафотланса, 100 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 9%, 500 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 19%, 1000 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 24% ва 1000000 йилдаги эҳтимолий сейсмик таъсирда 55% ли талафотларни келтириб чиқаради. Натижалар фавқулодда вазиятларда тезкор қутқарув ишлари режаларини ва талафотларни камайитириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муайян даражада хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ
РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ
ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

ЁДГОРОВ ШАРОФИДДИН ИСМАТУЛЛАЕВИЧ

**ОЦЕНКА СЕЙСМИЧЕСКОГО РИСКА ТЕРРИТОРИИ г.БУХАРЫ
С УЧЕТОМ ОСОБЕННОСТЕЙ ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИХ
УСЛОВИЙ**

04.00.04 – «Гидрогеология и инженерная геология»

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по
ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.4.PhD/GM11.

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.gpniimr.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель : **Исмаилов Вахитхан Алиханович**
доктор геолого-минералогических наук

Официальные оппоненты: **Юсупов Шухрат Сакиджанович**
доктор геолого-минералогических наук
Закиров Мираббас Мирсаатович
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **ГУП «Узбекгидрогеология»**

Защита диссертации состоится «20» февраля 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный по № 35). (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49.

Автореферат диссертации разослан «6» февраль 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 35 от «6» февраль 2020 года.)



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировом масштабе вопросы прогнозирования последствий сильных землетрясений на территории городов и снижение их ущерба являются наиболее значимыми. Обеспечение стабильного развития государств, расположенных в сейсмоопасных зонах связано с экономическим ущербом, нанесенного землетрясением. В частности, проведение комплексных исследований с целью оценки сейсмического риска и прогноза его на определенный период дает возможность разработать превентивные мероприятия по снижению последствий сильных землетрясений.

В развитых странах мира проводится ряд научных исследований по оценке сейсмического риска, в частности, разработка сеймотектонических и сейсмологических моделей; выявление закономерностей колебаний грунтов при сейсмических воздействиях; построение функций уязвимости различных конструктивных типов зданий и сооружений что является приоритетной задачей. Особое внимание уделяется созданию моделей сейсмических колебаний грунтов, количественной оценке сейсмических воздействий на систему «грунт-основание-инженерное сооружение», а также разработке специализированных программ на основе ГИС технологий для оценки последствий землетрясений в оперативном режиме, которые позволяют оценить сейсмический риск на различных территориальных уровнях.

В нашей стране проводятся научно-практические работы по разработке методики оценки сейсмического риска на урбанизированных территориях, в частности сейсмический риск оценен для территории городов Ташкента и Джизака. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены задачи по «...обеспечению жизнедеятельности населения в экологически безопасной среде...»². В связи с этим целесообразно проводить научные исследования по оценке сейсмического риска территории г.Бухары с учетом особенностей инженерно-геологических условий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 1 июня 2017 г. № УП-5066 «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций», Постановления Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 г. № ПП-3190 «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

населения и территории Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики - VIII. «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. В существующей научно-технической литературе встречаются различные определения термина «сейсмический риск». В соответствии с формулировкой, введенной в 2001 г. UNDR0 (United Nations Disaster Relief Organization), сейсмический риск - вероятность социально-экономического ущерба от возможных землетрясений в соответствии с расчетной сейсмической опасностью территории и уязвимостью строительных и природных объектов. Это определение поддерживается и применяется во многих странах мира.

Научные исследования по оценке сейсмического риска активно развивались в 70-90-е годы прошлого века. Основной причиной этого является сильное землетрясение Сан-Фернандо, которое произошло в США в 1971 году. Не справившись с экономическим ущербом, нанесенным землетрясением, многие страховые компании пришли в упадок. За этот период в США были созданы целевые научные центры и впервые стали разрабатываться методы прогнозирования сейсмического риска. В решении научных и практических вопросов сейсмического риска большую роль имели работы R.V.Whitman, D.C.Friedman, I.M.Idriss, C.S.Oliveira, H.C.Shah и других.

Научно-методические и практические аспекты оценки сейсмического риска исследовали M.Lu, N.Mert, K.Hasegawa, H.Hayashi, M.I.Carreno, G.Gruntal, J.Zschau, В.И.Осипов, В.А.Ларионов, Г.Л.Кофф, В.Г.Алказ, М.А.Шахраманиян, В.Б.Заалишвили, Е.Н.Черных, Ю.К.Чернов, С.А.Тягунов, С.Н.Назаретян, Т.Р.Рашидов, Ш.А.Хакимов, К.Н.Абдуллабеков, К.С.Абдурашидов, Л.М.Плотникова, С.А.Тягунов, Р.С.Ибрагимов, В.А.Исмаилов, Б.С.Нуртаев, А.Джураев и другие.

